

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўз фаолиятини бошлади



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
МАТБУОТ ХИЗМАТИ

17:07 / 18.10.2019 2836

Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти хабар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан икки йил муқаддам Шеробод туманидаги Исо Термизий мақбараси обод қилинган эди. 2017 йил 14 февралда давлатимиз раҳбарининг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш түғрисида қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ қурилган илмий-тадқиқот марказида ислом дини, ҳадис илми, Исо Термизий ҳамда термизий алломалар мероси чуқур ўрганилади. Диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланишга қаратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари марказга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, ёш авлодга етказиш, халқимизга тушунарли тилда китоблар чоп этиш бўйича тавсиялар берди. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муносиб шароитлар яратиш, олимларнинг

халқаро илмий конференцияларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.





O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI





Islom.uz портали таҳририяти